



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Зомин тумани

2023 йил 9 март

4-1303-2301/136-сонли иш

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдуазов котиблигида, даъвогар акциядорлик тижорат “MIKROKREDITBANK”и манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасининг жавобгар “ZARENA ZAREX” масъулияти чекланган жамияти ва қўшимча жавобгар “ISFANDIYOR SHOX TRADE” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 112 619 758 сўм муддати ўтган кредит асосий қарзи, 59 118 008 сўм муддати ўтган кредит фоиз қарзи, 1 024 390 242 сўм муддатли кредит қарзи, жами 1 196 128 008 сўм кредит қарздорлик ҳамда олдиндан тўланган почта харажатларини ундириш, ундирувни қўшимча жавобгар “XURLIQO FERUZA” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Зарбдор туман филиалининг 2021 йил 29 декабрдаги 54663981-сонли маълумоти билан тасдиқланган, 13:06:06:02:01:0053:0001 кадастр рақамли, Зарбдор тумани, Ойбек МФЙ, Мустақиллик шох кўчаси ҳудудида жойлашган “Савдо дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш биноси”га, қўшимча жавобгар “ARNASOY MEGA BUILD” масъулияти чекланган жамиятига Жиззах вилоят ИИБ ЙҲХБ 1 ТРИБ томонидан 2019 йил 8 апрелда берилган, серияси ААФ 0722414 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли бўлган, КАМАЗ 652023016636Х4 русумли, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 12898270, кузов рақами УЗИ АГДАРУВЧИ, шасси рақами NS3TRP189KJ002202, ранги оқ, давлат рақам белгиси 25 929 КАА бўлган автомашинага қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили Х.Муртазов (2023 йил 4 январдаги 19-17/1634-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Палата, жавобгар ва қўшимча жавобгарлар вакиллари иштирокисиз, Зомин туманлараро иқтисодий суди маъмурий биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Акциядорлик тижорат “MIKROKREDITBANK”и (бундан буён матнда “Даъвогар” деб юритилади) ва “ZARENA ZAREX” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади) ўртасида 2021 йил 29 декабрда 2616-сонли кредит линияси очилмаган (ёпиқ) ҳолда ссуда ҳисобрақами бўйича тузиладиган кредит шартномаси (бундан буён матнда “Шартнома” деб юритилади) тузилган. Ушбу шартноманинг 1.1-бандига кўра,



даъвогар “Банк” жавобгар “Қарз олувчи”га 1 200 000 000 (бир миллиард икки юз миллион) сўм миқдориди бройлер усулида товуқ гўшти етиштириш учун омухта ем сотиб олиш мақсадида йиллик 14 (ўн тўрт) фоиз устама билан асосий қарз тўлови бўйича 6 ойлик имтиёзли давр асосида 2023 йил 21 декабр гача бўлган муддатга кредит ажратиш, шартноманинг 5.1-бандига кўра, жавобгар “Қарз олувчи” даъвогар “Банк” томонидан берилган кредитларни шартномада белгиланган мақсадларга ишлатиш ва мазкур шартномага илова қайтариш жадвалига асосан тўлиқ қайтариш (тўлов топшириқномаси орқали тўлаб бориш) мажбуриятини олган.

Шунингдек, шартноманинг 5.4-бандига кўра, жавобгар “Қарз олувчи” кредит таъминоти сифатида қўшимча жавобгар “XURLIQO FERUZA” масъулияти чекланган жамиятига тегишли Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Ойбек МФЙ ҳудудида жойлашган савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси гаровга тақдим этилган. Ушбу бино холис баҳоловчи ташкилот томонидан 2 609 131 000 сўмга баҳоланган бўлиб, кўчмас мулкнинг гаровга қабул қилиш қиймати банк баҳолаш комиссияси томонидан эгаллаб турган ер ости майдони ва участкаси билан биргаликда банк томонидан 850 000 000 (саккиз юз эллик миллион) сўмга баҳоланганлиги ҳамда кредит муддатига тўлиқ суғурталаниб, гаров шартномаси нотариал идорасидан тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг, қўшимча жавобгар “ARNASOY MEGA BUILD” масъулияти чекланган жамиятига тегишли “Камаз 652023016636X4” русумли, 25 929 КАА давлат рақамли, 2019 йилда ишлаб чиқарилган юк машинаси гаровга тақдим этилган. Ушбу транспорт холис баҳоловчи ташкилот томонидан 652 414 000 (олти юз эллик икки миллион тўрт юз ўн тўрт минг) сўмга баҳоланган бўлиб, махсус юк ағдарувчи камаз русумли автотранспортнинг гаровга қабул қилиш қиймати банк баҳолаш комиссияси томонидан 350 000 000 (уч юз эллик миллион) сўмга баҳоланганлиги ҳамда кредит муддатига тўлиқ суғурталаниб, гаров шартномаси нотариал идорасидан тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг ҳамда қўшимча жавобгар “ISFANDIYOR SHOХ TRADE” масъулияти чекланган жамиятининг 1 200 000 000 (бир миллиард икки юз миллион) сўмга кафиллик шартномасини тўлиқ расмийлаштирганидан сўнг тақдим этилишини таъминлаш мажбуриятини олган.

Шунга кўра, даъвогар, жавобгар ва қўшимча жавобгарлар “ARNASOY MEGA BUILD” масъулияти чекланган жамияти, “XURLIQO FERUZA” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 29 декабрь куни Ипотека (Гаров) шартномаси тузилган бўлиб, ушбу шартномага кўра, қўшимча жавобгар “ARNASOY MEGA BUILD” масъулияти чекланган жамияти “ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ”га Жиззах вилояти ИИБ ЙҚХБ 1-ТРИБ томонидан 2019 йил 8 апрелда берилган серия ААФ 0722414 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли бўлган, “КАМАЗ 652023016636X4” русумли, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами J2898270, кузов рақами – УЗИ АГДАРУВЧИ, шасси рақами-NS3TRP189KJ002202, ранги оқ, давлат рақами белгиси 25 929 КАА бўлган автотранспрт воситасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан, аммо тасаррув этиш ҳуқуқисиз билан гаровга қўйиш, шунингдек қўшимча жавобгар “XURLIQO FERUZA” масъулияти чекланган жамияти “ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ”га тегишли бўлган кўчмас мулкни, яъни Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Ойбек МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 2-уй



манзилида жойлашган нотурааржой биноси, яъни “Савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси”ни бўлиб, ушбу нотураар жой биносининг фойдали майдони 238,35 квадрат метр, умумий фойдаланиш майдони 110,40 квадрат метр, фойдаланилаётган ер майдони 110,40 квадрат метр ва участкадаги қурилиш майдони 110,40 квадрат метр ҳамда инвентар нархи 33 061 134 (ўттиз уч миллион олтмиш бир минг бир юз ўттиз тўрт) сўмни ташкил этган “Нотураар жой биноси” ердан доимий фойдаланиш (ерга эгалик қилиш) ҳуқуқи билан, аммо тасарруф этиш ҳуқуқисиз билан гаровга қўйиш белгиланган.

Шу билан бирга, даъвогар, жавобгар ва қўшимча жавобгар “ISFANDIYOR SHOX TRADE” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 29 декабрда кафилик шартномаси тузилиб, ушбу шартномага мувофиқ, жавобгар “Қарз олувчи” даъвогар “Банк”дан 1 200 000 000 сўм миқдорида бройлер усулида товук гўшти етиштириш учун жўжа ва омухта ем сотиб олиш мақсадида йиллик 14 фоиз устама билан асосий қарз тўлови бўйича 6 ойлик имтиёзли давр асосида 2023 йил 21 декабргача бўлган муддатга 29 декабрь 2021 йилда тузилган 2616-сонли кредит шартномасига асосан олинган кредитни ўз вақтида қайтариш тўғрисидаги мажбуриятини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда даъвогар “Банк”нинг биринчи талабига биноан қўшимча жавобгар “Кафил” кредит бўйича тўловлар, унга ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит мажбуриятларини ўз муддатида бажариш билан боғлиқ харажатларни ҳисоб varaғидаги маблағлари ёки ликвидли мол-мулк билан сўзсиз тўлаш мажбурияти ва жавобгарлигини ўз зиммасига олган.

Бироқ, жавобгар шартнома бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажармаган, яъни унга ажратилган кредит маблағлари бўйича кредит қарздорлигини ва унинг фоизларини ўз вақтида тўламаганлиги оқибатида жавобгарнинг даъвогар олдида жами 1 196 128 008 сўм миқдоридаги кредит қарздорлик юзага келган.

Натижада, даъвогар манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда “Палата” деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар ва қўшимча жавобгар “ISFANDIYOR SHOX TRADE” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 112 619 758 сўм муддати ўтган кредит асосий қарзи, 59 118 008 сўм муддати ўтган кредит фоиз қарзи, 1 024 390 242 сўм муддатли кредит қарзи, жами 1 196 128 008 сўм кредит қарздорлик ҳамда олдиндан тўланган почта харажатларини ундиришни, ундирувни қўшимча жавобгар “XURLIQO FERUZA” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Зарбдор туман филиалининг 2021 йил 29 декабрдаги 54663981-сонли маълумоти билан тасдиқланган, 13:06:06:02:01:0053:0001 кадастр рақамли, Зарбдор тумани, Ойбек МФЙ, Мустақиллик шох кўчаси ҳудудида жойлашган “Савдо дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш биноси”га ҳамда қўшимча жавобгар “ARNASOY MEGA BUILD” масъулияти чекланган жамиятига Жиззах вилоят ИИБ ЙҲХБ 1 ТРИБ томонидан 2019 йил 8 апрелда берилган, серияси ААФ 0722414 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли бўлган, КАМАЗ 652023016636Х4 русумли, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 12898270, кузов рақами УЗИ АГДАРУВЧИ, шасси рақами NS3TRP189KJ002202, ранги оқ, давлат рақам



белгиси 25 929 КАА бўлган автомашинага қаратишни, суд муҳокамасини Палата вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар ҳамда қўшимча жавобгарлар бугунги суд мажлисига келмади ёки вакиллари иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170-моддаларига асосан ишни уларнинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво аризасини қўллаб-қувватлаб, суд мажлиси кунига қадар жавобгар ушбу кредит қарздорлигини умуман тўламаганлигини, ушбу ҳолатни тасдиқловчи бугунги кун ҳолатига берилган қарздорлик тўғрисидаги маълумотномани судга тақдим қилишини, ушбу кредит қарздорликларни жавобгардан банк фойдасига ундириб беришни ҳамда тегишли тартибда қўшимча жавобгарлар томонидан гаровга қўйилган мол-мулкка ҳамда қўшимча жавобгарнинг кафиллигига қаратиш лозимлигини таъкидлаб, даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, ишда иштирок этган даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, ишга тақдим этилган ҳужжатлар-далилларга тегишли тартибда ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак деб кўрсатилган. Шунингдек, ушбу Кодекснинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизларини тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарори (кейинги ўринларда матнда Пленум қарори деб юритилади)нинг 3-бандида банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик, келишилган муддатларда, кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади. Пленум қарорининг 5-бандида қарз олувчилар (қарздорлар)нинг кредитларни қайтармаганлик учун кредит ташкилотлари олдидаги жавобгарлиги доирасини аниқлашда судлар қарз таркибига кредитнинг ёки унинг бир қисмининг суммаси, кредитдан



фойдаланганлик учун фоизлар, кредит шартномасида белгиланган ҳажмда бошқа тўловлар (комиссиялар) киришидан келиб чиқишлари зарурлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Пленум қарорининг 13-бандига кўра қонун ҳужжатларининг мазмунига кўра, қонун бўйича ҳар қандай ҳақиқий мажбурият гаров билан таъминланиши мумкин. Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилишига йўл қўйиладиган ҳар қандай мол-мулк (корхона, бино, иншоот, жиҳоз, бошқа ишлаб чиқариш жамламалари, қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, мулкӣ ҳуқуқлар ва ҳоказо) гаров нарсаи бўлиши мумкин.

Пленум қарорининг 23-бандида “Ундирувни гаров нарсаиға суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи кўрсатилиши лозим.”лиги белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилган гаров шартномасида гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, гаровга олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ундирувни гаров предметига қаратиш ҳуқуқиға эға эканлиги белгиланган.

Даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган кредит шартномасида кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар шартномада белгиланган муддатларда тўланмаганда банк кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, шунингдек ундирувни кредит таъминотига қаратиш орқали ундириш ҳуқуқиға эға эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари” деб номланган 736-моддаси иккинчи қисмиға кўра, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирға муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишға ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида” ги қонунининг 7-моддасиға кўра Ипотека ипотека билан таъминладиган мажбурият бўйича қарзнинг асосий суммаси ипотекаға олувчиға тўлиқ ҳажмда ёки ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган қисми тўланишини таъминлайди.

Кредит шартномаси ёки қарз шартномаси бўйича мажбуриятнинг ижросини фоизлар тўлаш шарти билан таъминлаш учун белгиланган ипотека кредиторға (қарз берувчиға) кредитдан (қарз маблағларидан) фойдаланганлиги учун унга тегиши керак бўлган фоизлар ҳам тўланишини таъминлайди.” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 01 майдаги “Гаров тўғрисида”ги 614-И-сонли қонуни 27-моддаси 1-қисмида “Гаровға олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровға қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.” деб белгиланган. Тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасида шартнома шартлари ва кредитни қайтариш графигиға риоя этилмаганда, банк берилган кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишға ҳақли эканлиги белгиланган.



Даъвогар жавобгар билан тузилган шартнома бўйича мажбуриятини лозим даражада бажариб, 1 200 000 000 сўм миқдоридаги кредит маблағларини жавобгарга ажратиб берган. Ушбу ажратилган маблағлар жавобгар томонидан қабул қилиб олинган.

Бироқ, жавобгар шартнома бўйича мажбуриятини лозим даражада бажармаган, яъни кредитни қайтариш графигига риоя қилмасдан кредитнинг асосий ва фоиз қарздорлигига йўл қўйган ҳамда қарздорликни вақтида тўлаб бермаган, даъвогарнинг кредит қарзини қайтариш ҳақидаги огоҳлантириш хатларини жавобгар оқибатсиз қолдирган. Натижада жавобгарнинг даъвогар олдида жами 1 196 128 008 сўм миқдорида кредит қарздорлик юзага келган. Ушбу ҳолатлар тарафлар ўртасида тузилган шартнома ва ишдаги бошқа ҳужжатлар билан ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 292-моддасига кўра, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Ушбу кодекснинг 293-моддаси биринчи қисмига кўра, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Тарафлар ўртасида тузилган кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилмаган, шунингдек кафиллик шартномасининг 1.1-бандига кўра, жавобгар “Қарз олувчи” даъвогар “Банк”дан 1 200 000 000 сўм миқдорида бройлер усулида товук гўшти етиштириш учун жўжа ва омукта ем сотиб олиш мақсадида йиллик 14 фоиз устама билан асосий қарз тўлови бўйича 6 ойлик имтиёзли давр асосида 2023 йил 21 декабр гача бўлган муддатга 29 декабрь 2021 йилда тузилган 2616-сонли кредит шартномасига асосан олинган кредитни ўз вақтида қайтариш тўғрисидаги мажбуриятини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда даъвогар “Банк”нинг биринчи талабига биноан қўшимча жавобгар “Кафил” кредит бўйича тўловлар, унга ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит мажбуриятларини ўз муддатида бажариш билан боғлиқ харажатларни ҳисоб варағидаги маблағлари ёки ликвидли мол-мулк билан сўзсиз тўлаш мажбурияти ва жавобгарлигини ўз зиммасига олган.

Шу боис, жавобгар ва қўшимча жавобгар “ISFANDIYOR SHOX TRADE” масъулияти чекланган жамияти даъвогар олдида солидар тартибда жавоб берадилар.

Даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган 2023 йил 9 мартдаги 19-17/0683-сонли маълумотномага кўра, ушбу кун ҳолатига жавобгарнинг даъвогар олдида 141 888 051 сўм муддати ўтган кредит асосий қарзи, 79 855 383 сўм муддати ўтган кредит фоиз қарзи ва 995 121 949 сўм муддатли кредит қарзи, жами 1 216 895 383 сўм кредит қарздорлиги мавжудлиги кўрсатилган, яъни жавобгар даъво талабида кўрсатилган кредит қарздорлигини умуман тўламаган.

Шу боис суд, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, ундирувни Ипотека (Гаров) шартномаси орқали гаровга қўйилган мол-мулкларга қаратишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён қилинганларга асосан суд, ишдаги хужжатларни ўрганиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар ва кўшимча жавобгар “ISFANDIYOR SHOХ TRADE” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар фойдасига 1 137 010 000 сўм кредит асосий қарзи, 59 118 008 сўм кредит фоиз қарзини солидар тартибда ундиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 30 000 сўм суд почта харажати ундиришни, ундирувни 2021 йил 29 декабрдаги Ипотека (Гаров) шартномасига асосан гаров ва ипотекага қўйилган кўшимча жавобгар “XURLIQO FERUZA” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Зарбдор туман филиалининг 2021 йил 29 декабрдаги 54663981-сонли маълумоти билан тасдиқланган, 13:06:06:02:01:0053:0001 кадастр рақамли, Зарбдор тумани, Ойбек МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси худудида жойлашган “Савдо дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш биноси”га ҳамда кўшимча жавобгар “ARNASOY MEGA BUILD” масъулияти чекланган жамиятига Жиззах вилоят ИИБ ЙҲХБ 1 ТРИБ томонидан 2019 йил 8 апрелда берилган, серияси ААҒ 0722414 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли бўлган, КАМАЗ 652023016636Х4 русумли, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 12898270, кузов рақами УЗИ АГДАРУВЧИ, шасси рақами NS3TRP189KJ002202, ранги оқ, давлат рақам белгиси 25 929 КАА бўлган автомашинага қаратишни, шунингдек жавобгардан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 23 922 560,16 сўм давлат божи ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 127-129, 170, 176-181, 186-188, 192-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъвогарнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

“ZARENA ZAREX” масъулияти чекланган жамияти ва “ISFANDIYOR SHOХ TRADE” масъулияти чекланган жамиятидан акциядорлик тижорат “MIKROKREDITBANK”и фойдасига 1 137 010 000 сўм кредит асосий қарзи, 59 118 008 сўм кредит фоиз қарзи солидар тартибда, шунингдек “ZARENA ZAREX” масъулияти чекланган жамиятидан акциядорлик тижорат “MIKROKREDITBANK”и фойдасига олдиндан тўланган 30 000 сўм суд почта харажатлари субсидиар тартибда ундирилсин.

Ундирув 2021 йил 29 декабрдаги Ипотека (Гаров) шартномасига асосан гаров ва ипотекага қўйилган кўшимча жавобгар “XURLIQO FERUZA” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Зарбдор туман филиалининг 2021 йил 29 декабрдаги 54663981-сонли маълумоти билан тасдиқланган, 13:06:06:02:01:0053:0001 кадастр рақамли, Зарбдор тумани, Ойбек МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси худудида жойлашган “Савдо дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш биноси”га ҳамда кўшимча жавобгар



“ARNASOY MEGA BUILD” масъулияти чекланган жамиятига Жиззах вилоят ИИБ ЙҲХБ 1 ТРИБ томонидан 2019 йил 8 апрелда берилган, серияси ААҒ 0722414 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли бўлган, КАМАЗ 652023016636Х4 русумли, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 12898270, кузов рақами УЗИ АГДАРУВЧИ, шасси рақами NS3TRP189KJ002202, ранги оқ, давлат рақам белгиси 25 929 КАА бўлган автомашинага қаратилсин.

“ZARENA ZAREX” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 23 922 560,16 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач шу ҳақда ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят (прокурор ишда иштирок этувчи шахсинг мурожаати бўлган тақдирда протест келтириш) қилишга ҳақли.

Раислик этувчи, судья

Ш.Х.Бегматов

